TRANSPORT BO'YICHA
BOSH LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI
AKSIYADORLIK JAMIYATI

ГОЛОВНОЙ ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ПО ТРАНСПОРТУ
АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

BOSHTRANSLOYIHA

100060, Toshkent sh., Nukus ko'ch. 23a Tel.: (+71) 255-82-98, 237-83-02 Temir yo'l tel.: 4-13-02 Faks: (+71) 233-27-82 http://boshtrans.uz e-mail: boshtrans@gmail.com

29.05.2023 № 01/914

"Boshtransloyiha" транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларига

"Boshtransloyiha" транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядорлар!

"Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 26 майдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 22 июнь куни, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй манзили бўйича жойлашган "Boshtransloyiha" АЖ маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат **15:00** да бошланади.

Жамият акциядорлари рўйхатининг тузилиш санаси:

- умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун – **2023 йил 26 май;**
- *умумий йиғилишда қатнашиш учун* - ***2023 йил 16 июнь***.

Кун тартиби:

1) Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш.

2) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

3) «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

4) «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасини тинглаш.

5) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6) Жамият томонидан 2022 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатни аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш.

7) «Boshtransloyiha» АЖ тафтиш комиссиясини тугатиш ва Жамият Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомини бекор қилиш тўғрисида.

8) Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳририни тасдиқлаш.

9) «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.

10)«Boshtransloyiha» АЖнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг *миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2023* йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

11)Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

12)«Boshtransloyiha» АЖнинг 2023 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

13)Жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни ҳисобдан чиқариш.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй манзили бўйича жойлашган "Boshtransloyiha" АЖда (бухгалтерия бўлимида) 2023 йил 10 июньдан 21 июньгача, иш кунлари соат 10:00 дан 15:00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорларни руйхатга олиш соат **14:00** дан бошланади, акциядорларни руйхатга олиш соат **14:45** да тугатилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи хужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Электрон почта манзили: - **boshtrans@gmail.com,** Телефон: (+998) 71-254-89-10.

Ҳурмат билан,
Бош директор **Р.В.Рузиев**